

Туман маҳаллий бюджетининг 2022 йил 9 ойлик ижроси ва маҳаллий бюджет даромадларининг қўшимча даромад заҳираларини аниқлаш бўйича амалга оширилган ишлар ҳамда амалга оширилган ҳаражатлар тўғрисида.

МАЪЛУМОТ

I. Маҳаллий бюджет даромадлари бўйича.

Туман маҳаллий бюджетининг 2022 йил **9 ойлик** даромадлари режаси **56 млрд. 134.4 млн.сўмга** белгиланган бўлиб, жорий йил 9 ойлик бюджет ижроси давомида **60 млрд. 663.8 млн.сўмга ёки 108 фоизга** бажарилди. Бунинг натижасида туман маҳаллий бюджети **3-чорак** даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми **4529.4 млн.сўмни** ташкил этди.

Туманнинг худудий салоҳиятидан келиб чиқсан ҳолда маҳаллий бюджет даромадларининг қўшимча манбаларини шакллантириш, даромадлари базасини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш бўйича амалга оширилётган ишларнинг пировард натижаси даромад прогноз қўрсаткичларини ошиғи билан бажариш учун асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Бироқ, туман маҳаллий бюджети даромадларининг умумий прогноз қўрсаткичлари бажарилган бўлсада, айrim солик турлари бўйича, жумладан жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солик тури бўйича **236.8 млн.сўм** солик тушумлари ундирилмасдан колди.

II. Маҳаллий бюджетлар ҳаражатлари бўйича.

Туман маҳаллий бюджетининг жорий йил **9 ойлик** бюджет ижроси давомида аниқланган режа **143 млрд. 162.1 млн.сўмни** ташкил этиб, касса ҳаражатлари **141 млрд. 936.0 млн.сўмга ёки 99.1 фоизга** ижро этилди.

Туман маҳаллий бюджетининг **9 ойлик** ҳаражатлар таркибининг **73.9** фоизи ёки **105 млрд. 832.2 млн. сўми** ижтимоий соҳа ва ижтимоий қўллаб-кувватлаш ҳаражатлари хиссасига тўғри келмоқда.

Бюджет ҳаражатларини тармоқлар бўйича қўриб чиқилганда асосан таълим тизими муассасаларининг ҳаражатлари **29 млрд 175.9 млн. сўмни** (20.4 фоиз), соғлиқни сақлаш соҳаси ҳаражатлари **40 млрд 874.5 млн. сўмни** (28.6 фоиз) ва ижтимоий нафакалар хаоажатлари **35 млрд, 785,8 млн. сўмни** (25 фоиз) ташкил этмоқда.

Шунингдек, маданият ва спорт ҳаражатларига кўзда тутилган маблағлар учун **3 млрд. 067,2 млн. сўм молиялаштирилди.**

Иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ҳаражатларнинг эса

6 млрд 619,4 млн. сўм қисми молиялаштирилиши таъминланди.

III. Маҳаллий бюджетларнинг қўшимча даромад манбаалари бўйича

Жорий йил туман маҳаллий бюджетида йил бошига сақланган эркин қолдиқ маблағи ҳажми **2 млрд. 172.1 млн. сўмни**, вилоят маҳаллий бюджетида йил бошига сақланган эркин қолдиқ маблағларидан **2 млрд. сўм**, туман маҳаллий бюджети даромадлар режаси орттириб бажарилган қисми **4 млрд. 529,4 млн. сўмни** ва туман ҳокимлиги заҳира жамғармаси маблағи **1 млрд. 305,8 млн.сўм** ҳисобидан, жами **10 млрд. 007,3 млн.сўм** миқдорида қўшимча манбалар шаклланиб, ушбу маблаглар Халқ депутатлари туман Кенгашининг қарорлари ва туман ҳокимлигининг тегишли фармойишларига асосан бюджет параметрларида кўзда тутилмаган қўшимча ҳаражатларга йўналтирилди.

Бунда биринчи навбатда Давлат дастурлари ва Ҳукумат қарорларида тасдиқланган тадбирларга асосан худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, бу орқали аҳоли турмуш

фаровонлигини таъминлаш ва бошқа муҳим ижтимоий масалаларни молиялаштириш инобатга олинган.

Жумладан, “аёллар дафтари”, “ёшлар дафтари”, “саҳоват ва кумак” жамгармаларига **4 млрд. 107,18 млн.** сўм ва жамоатчилик фикри асосида шаклланадиган тадбирларни молиялаштириш учун “Фуқаролар ташаббуси жамғарма”сини шакллантириш учун тасдиқланган бюджет маблағлари хисобидан **6 млрд. 529,0 млн.** сўм ва **2 млрд. 206,3 млн.** сўм жами **8 млрд. 735,3 млн.** сўм маблағлар йўналтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги ПҚ-5072-сонли “**Бюджет жараёнда фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**”ти қарори асосида “Очиқ бюджет” ахборот порталида “**Ташаббусли бюджет**” жараёнлари ўтказиб келинмоқда.

Жумладан 2022 йилнинг феврал-март, июл-август ойларида ўтказилган ташаббусли бюджет жараёнларида жами фуқаролар томонидан **220 та** лойиҳалар илгари сурилиб, **145 таси** ишчи комиссия томонидан саралаб олинган ҳамда ушбу лойиҳаларга **54188 та** (жами Жамғармага йўналтирилган ҳамда йил бошига шаклланган қолдик маблағлар доирасида **9 ой** давомида ўтказилган ташаббусли бюджет жараёнлари яқунларига кўра амалга ошириш қиймати **8.3 млрд.** сўмни ташкил этган **10 та** лойиҳалар (**30938 та овоз тўплаган холда**) ғолиб деб топилган.

Ғолиб деб топилган лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан манзилли рўйхат шакллантирилиб, Халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан тасдиқланган.

Ғолиб деб топилган **10 та** лойиҳаларга жами **8.3 млрд.** сум маблағлар тўлиқ молиялаштириб берилди.